



## ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ШАХС ИЧКИ ВА ТАШҚИ МАДАНИЯТИНИ УЙЁУНЛАШТИРИШ

Бобоев Хуршидбек Юсупович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6321181>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi:17-fevral 2022

Ma'qullandi:22-fevral 2022

Chop etildi:27-fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

Замонавий жамият, шахс, ички ва ташқи маданият, глобаллашув, жамият, модернизация, таҳдид, мафкура.

Глобаллашув - дунёдаги турли давлат ва ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигининг кучайиши жараёни. Жаҳондаги мамлакатларнинг ўзаро ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви, воқеаҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун Ер шарини қамраб олиши ҳисобланади. Ҳозирда қанчадан-қанча маблағ ахборотни қайта ишлаш, ахборотларни белгиланган маконга етказиш, етказганда ҳам биринчи бўлишга қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, ёшларда, ахборотни энг аввал бера олган, доимо ҳақ бўлади деган қараш мавжуд бўлади. Бу уларнинг хоҳлаган ахборотни ўз

### ANNOTATSIYA

Замонавий жамиятда шахс ички ва ташқи маданиятини уйғунлаштириш, уларнинг объектив мезонларини белгилаш масалалари ниҳоятда долзарб. Айтиш мумкинки, ҳозирги глобаллашув жараёни шиддат билан ривожланаётган маконда бу яққол кўринмоқда. Бу маконда муносиб ўрин эгаллаш учун бўладиган кураш Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ушбу мақолада Замонавий жамиятда шахс ички ва ташқи маданиятини уйғунлаштиришнинг ижтимоий - психологик хусусиятлари очиқ берилган.

манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тарқатиш имконини беради.

Бугунги глобаллашув жараёни жамиятни модернизация қилиниши билан бирга ҳеч бир жамиятни ва давлатни четлаб ўтмайди. Шундай экан, уларнинг ижобий ва салбий таъсирлари ижтимоий ҳаётда, айниқса мамлакатнинг истиқболини белгилашда ўз таъсир кучига эга бўлган ёшлар масаласида ўзини намоён этмоқда. Айниқса, турли йўللار билан ёшларимизни ўз таъсир доирасига олишга уриниётган оқимлар, “оммавий маданиятлар” ёшларимизда миллий ўзликдан бегоналашиш, ватансизлик, лоқайдлик каби иллатларни келтириб чиқаришга қаратилмоқда. Бундай замонавий таҳдидларга қарши тура олиш



мамлакатнинг стратегик мақсад ва вазифаларини амалга оширишда миллий ғоя ва унинг асосий тамойилларидан ҳисобланган миллий маънавий мерос ва ислом маданиятидан баҳоли қудрат оқилона фойдаланиш замон талабидир. Зеро, "... тарбиявий - ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор"[1] - дейди, биринчи Президентимиз Ислом Каримов.

Дунёнинг мафкуравий манзарасида маблағ қанча кетишидан қатъий назар таълим-тарбия масаласини маърифат асосига қурилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"ни тўртинчи устувор йўналиши ҳисобланган "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналиши" деб номланиб, унда таъкидланганидек, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш [2] белгилаб қўйилганлиги информациялашган жамиятда маълум ижтимоий фикрни шаклланишига таъсир этмоқда.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш глобал миқёсдаги ахлоқий маданият глобал фикрлайдиган келажак кишиси образида унинг асосий сифатларини, яъни

инсонпарварлик, масъулият, жамият манфаатларига хизмат қилиш, ҳуқуқий саводхонлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, ўз-ўзига тарбия, ўз-ўзини такомиллаштириш каби муҳим сифат ва фазилатларни шакллантириш масаласи ҳисобланади. Шу билан бирга дунё ҳамжамияти миқёсида ахлоқий маданият тамойиллари ва анъанавий турмуш тарзидан ёшларни модернизациялаш томон сезиларли ўзгаришларини назарда тутуди. Шахснинг хусусан ёшларнинг индивидуал, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ташкиллаш сифатлари ва қобилиятлари, дунёқараш ва маданий кенглик ҳамда очиқлик, бағрикенгликнинг аҳамиятини хис қилишлари учун муҳим. Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ёшлар учун касбий, сиёсий ва ижтимоий-прогрессив жараёнларга киришишини тутиб турадиган, ҳаётий, маданий ва хулқ стереотипларидан воз кечиш ҳолатида рўй беради. Масалан, глобаллашув жараёнининг "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келиши ёшлар ўртасида ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, ёт ғоялар ҳисобига бойлик орттириш сингари хатарли ғояларни вужудга келтирмоқда. Унга қарши "инновацион ғоялар ва замонавий механизмлар билан курашиш" ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари содир этилишини кескин камайтиради. Атрофимизда содир бўлаётган ҳодисаларга хотиржамлик ва лоқайдлик билан эмас, балки хушёрлик билан қараш зарурлигини "англаб етишга" хизмат қилади[3].

Хулоса қилиб, глобаллашув шароитида тарбия жараёнига хилма-хил ёндошувлар мавжуд бўлиб, маънавий-



ахлоқий тарбия жараёнида мазкур ёндошувларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги, кўзланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилга айланади. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги босқичи илмий ва инновацион ғоялар муносабатлардаги иштирокчиларнинг умумий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни тақозо этади. Бугунги кунда таълим-тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш долзарб вазифа даражасига айланди.

Чунки, агар таълим тарбиядан ажралган ҳолда, яъни ёшларга фақат билим бериш билан чекланадиган бўлсак, уларни ана шу билимларни ҳаётга тадбиқ этишда ортда қолсак ватанпарварлик, миллатпарварлик, ота-она, маҳалла олдида масъулият каби қадриятлардан бебаҳра бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш улардан тўғри ва самарали фойдаланиш ёшлардан катта маъсулият талаб этишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 526.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Т.: "Адолат", 2017. - Б. 26
3. А.Рўзимуротов. "Ёш раҳбар" энциклопедик луғати. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2018. - Б.